



# ИШОНЧ


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 июл, шанба № 102 (934)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган.

Ислом КАРИМОВ.



Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрамига катта тайёргарлик кўрилатган шу кунларда Хоразм вилоятида ҳам замонавий иншоотлар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Хонқа тумани марказида касб-хунар коллежи бунёд этилапти. 600 ўринли бу илм маскани қисқа вақт ичида қад ростлади. Кўли гул қурувчилар масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишни сифатли бажаришда намуна бўлишяпти. Бунда бошқа қурувчилар қатори бри-

гада бошлиги Исмоил Аҳмедовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Суратларда: (ўнгдан чапга) 1. Кўли гул уста О.Қурбонов, саркор И.Аҳмедов ва муҳандис О.Салимовлар ўзаро мулоқот чоғида. 2. Янги қурилатган касб-хунар коллежининг умумий кўриниши.**

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Йиллар ва одамлар

### ДЕҲҚОН ФАРОҒАТИ

Яқинда Термиз туманининг Халқобод ширкат хўжалигида бўлди. У ерда азалдан боболаримиз жой номларини исми-жисмига монанд қилиб қўйганлигининг маъзани чакдик. Чиндан-да, хўжаликнинг икки томони манзарали дарахтларга бурканган йўллари бор эканми, ободончиликдан кўзимиз қувнаб, дилларимиз яйради.

Хўжалик тумандаги каттақимнинг қоқ марказида жойлашган. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бу ерлар анча ободонлаштирилган. Сув бу ерларда доимо танқис. Шу сабабдан бўлса керак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режалари бажарилмай келган. Аммо юртимиз мустақилликка эришгач, аҳвол анча яхши томонга ўзгарди. Эртанги кун умидида хўжаликка ундабурон раҳбар керак, деган ишчиларнинг тақлифи инобатга олинди. Халқнинг хоҳиш-ирода си ила хўжаликка тadbиркорлиги билан элга танилган Бахтиёр Қурбонов раис этиб тайинланди. Халқободликлар ва янги раҳбарга ишни ўнглаш осон кечмади, албатта. Негаки, 820 гектар ерга галла, 618 гектар ерга чигит экиб, қўзланган хосилдорликка эришиш анча қийин эди. Бунинг учун тинимсиз ва самарали меҳнат қилиш зарур. Ишчилар эрта тонгдан ишга шошди. Улар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Элак сувдан қўтарилганда хўжалик ҳар иккала деҳқончиликдан миллион-миллион сўмлаб фойда олишди.

Хўжалик тумандаги каттақимнинг қоқ марказида жойлашган. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бу ерлар анча ободонлаштирилган. Сув бу ерларда доимо танқис. Шу сабабдан бўлса керак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режалари бажарилмай келган. Аммо юртимиз мустақилликка эришгач, аҳвол анча яхши томонга ўзгарди. Эртанги кун умидида хўжаликка ундабурон раҳбар керак, деган ишчиларнинг тақлифи инобатга олинди. Халқнинг хоҳиш-ирода си ила хўжаликка тadbиркорлиги билан элга танилган Бахтиёр Қурбонов раис этиб тайинланди. Халқободликлар ва янги раҳбарга ишни ўнглаш осон кечмади, албатта. Негаки, 820 гектар ерга галла, 618 гектар ерга чигит экиб, қўзланган хосилдорликка эришиш анча қийин эди. Бунинг учун тинимсиз ва самарали меҳнат қилиш зарур. Ишчилар эрта тонгдан ишга шошди. Улар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Элак сувдан қўтарилганда хўжалик ҳар иккала деҳқончиликдан миллион-миллион сўмлаб фойда олишди.

Жамоа шартномасига биноан аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларнинг дам олишларини мароқли ўтказиш ниятида замонавий меъморчилик асосида қишчи клуб қурилди. Хўжалик ўтган йилда олинган даромад ҳисобидан 6 миллион 500 минг сўм маблағ сарфлаб, «Халқобод» гузарини, қишлоқ бозорини қуриб битказдилар. Худуддаги йўллар қайтадан таъмирланди. Бу йил ҳам бунёдкорлик ишлари давом этапти. Термиз-Тошкент трасса йўли бўйида 3 минг тонна галла, 1000 тонна минерал ўғит сақлангандаги омборхоналар қурилиши ниҳоятга етайди деб турибди. Бундан ташқари 300 бошга мўлжалланган бўрдоқчилик фермаси, 2000 бош парранда (товуқ) фермалари қурилиши ҳам тугалланиш арафасида.

Бу хўжаликда 449 нафар хотин-қиз меҳнати алоҳида қадрланади. Уларнинг иш соати бир соатга қисқарди. Ёш болалари аёлларга ҳафтада тўрт иш кунини этилган. Болалар нафақаси ойма-ой бериб борилмоқда. Ишчи хотин-қизларнинг доимо тиббий кўриқдан ўтиши ва тиббий муолажа олишлари хўжалик фойдаси ҳисобидан амалга ошириляпти. Бундан рағбатланган иш-

чиларнинг ишида унум ва барака бор. Уларнинг жонбозлиги боис, шу йилнинг пилла ва галла режалари муддатидан олдин уддаланди. Галлазорлар 12 та оила пудратига бўлиб берилган. Улар олти дала шийпонларига эга. У ерда кундалик матбуот, радио, телевизор, шахмат-шашкалар мавжуд. Хўжалик галлазорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан дон олишди.

Меҳнатни тўғри рағбатлантириш касабаяушма ташаббуси билан йўлга қўйилди. Айниқса, иш мавсумларида ишчиларга икки маҳал иссиқ овқат бепул берилмоқда. Барча ишчиларнинг меҳнат таътили-га 3 кунлик қўшимча пуллик таътил берилди. Бу йил хўжаликнинг 100 нафар болалари оромгоҳларда дам олдирилмоқда. Ишчи-хизматчилардан Қ.Хўжакулова, Р.Эшбоева, Д.Каримова қабилад хўжалик ҳисобидан бепул санаторийларга юборилди. Мустақиллик йилларида хўжалик анча олдинга кетди. Комбайнчи Тоир Аннаев юқори кўрсаткичга эришганлиги учун «Тико», 7-бригада бошлиги Файзулла Абдулгузарини, қишлоқ бозорини қуриб битказдилар. Шунингдек, хўжалик раҳбари 1997 йилги эришган муваффақиятлари учун Атлантада бўлиб ўтган олимпиада ўйинларини томоша қилишга борди.

2000 йил - Соғлом авлод йилда хўжалик маъмурияти касабаяушма кўмитаси, «Камолот» жаамгармаси ҳамкорлигида ижтимоий кам таъминланган оилаларнинг ўн саккиз нафар фарзандларининг суннат тўғрисида ўтказилди. Қуши бобо Абраев икки нафар неварасини хатна қилдириди. Болаларга «Халқ банк»да махсус ҳисоб-рақами очилиб, ҳар бирига минг сўмдан пул қўйилди.

Ҳа, Халқобод ширкат хўжалигида амалга ошириляётган улугвор ишлар мустақиллик шарофатидандир.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

## Спорт

### ҲОЗИРЧА ОМАД

### ГОЛЛАНДИЯЛИКЛАРДА

Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий банки спорт мажмуи теннис кортларида Ўзбекистон ва Нидерландия жамоалари ўртасида теннис бўйича Девис Кубоги мусобақаларининг жаҳон лигасига чиқиш учун маънавий босқич бўлиб ўтмоқда. Бугун мусобақаларнинг яқка тартибдаги иккита ўйини бўлиб ўтди.

Кортга биринчи бўлиб ҳамюртимиз Олег Огородов ва Рихард Крайчек чиқди. Ўйиннинг биринчи дақиқалариданоқ Крайчек аниқ ва кучли зарбалари билан ҳамюртимиздан устунлик қила бошлади.

Олег Огородовдан омад юз ўгириб, уч сетни ҳам Рихард Крайчекка бой берди.

Вадим Куценко ва голландиялик Сьенг Шалкен ўртасидаги учрашув Шалкеннинг галабаси билан якунланди.

Учрашувдан кейинги матбуот анжуманида Рихард Крайчек ва Сьенг Шалкен мусобақалар юқори даражада ташкил этилганини таъкидлади. (ЎЗА).

Тошкент шаҳри новвойхоналаридан бирининг директори ишчилар маҳсус кийимининг йирик туркумини олиш учун Қибрайдаги «Санобар» хусусий корхонасига келиб, буюртманинг муддатидан олдин ба-

## «ЎЗИМИЗНИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ДЕМАЙМИЗ»

### Микрокредитлаш тизими ҳаётимизга дадил кириб келмоқда

жарилганидан хайратда қолди. Корхона яқинда Тошкент ва Қува тўқимачилик комбинатлари ҳамда «Ҳаким ота» фирмасидан хомашё олгани тўғрисидаги буюртмани бир неча кун ичида бажаришга улгуришди. Тўлов қисқа муддатларда амалга оширилганиги сабабли эса хомсур, момиқ, газлама ва ёрдамчи ашёлар ҳам ўз вақтида олишга муваффақ бўлинди. — Банк амалиётлари, шартномалар тузиш ва уларни амалга ошириш «Савдогарбанк»нинг Қибрай туман бўлиmidан микрокредит олганимиздан кейингина тезлашди, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига мазкур хусусий корхона директори Санобар Ҳакимова. — Пухта ишлаб чиқилган бизнес-режа, нуфузли ва молиявий жиҳатдан ишончли ташкилотнинг кафолати имтиёзли шартлар асосида икки ярим йилга, 2 миллион 200 минг сўмлик (14 фоиз йиллик даромад билан) қарз

маблағини олиш имконини берди. Олдин биз кредитлардан фойдаланмасдан ўз маблағларимиз билан ки-ноялардик, холос. Эндиликда эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва келгусида маиший хизмат мажмуи-

кўрпача, матрас каби харидор-талаб ҳамда арзон нархдаги маҳсулотларни тайёрлашди. Даромад ҳам ёмон эмас, унинг бир қисми, албатта, корхона фаолиятини ривожлантиришга ҳамда хайрия ишларига ажратилди. Корхонада бўлган кунимиз «Соғлом авлод учун» хайрия жаамгармасининг Қибрай туман бўлиmidан туман туғруқноҳаси учун чойшабларга буюртма беришга вакил келган экан. Корхона директори буюртмани бепул бажаришга тайёрлигини билдирди.

Бундан ташқари, туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда ушбу хусусий корхона негизда чеварлар тайёрлайдиган уч ойлик курсларни очиб лойиҳаси ҳам режалаштирилган. Август ойида дастлабки ўқувчи қизлар келишади. Айна пайтада эса ўқувчилар танланиб, тикув машиналари ҳамда иш ўринларини ўқишга тайёрлаш жараёни кетаётди.

Кўриб турганимиздек, микрокредитлаш тизими аста-секин ҳаётимизга кириб келмоқда. «Савдогарбанк»нинг Тошкент вилояти шўъбаси бошлиги Акмал Рашидхўжаевнинг маълум қилишича, июн ойининг охирида 104 миллион 213 минг сўм миқдорда 87 та қарз маблағи ажратилган. Айниқса, Зангиота, Бука, Қибрай туманларининг тadbиркорлари ушбу кредит маблағларидан унумли фойдаланишаётир.

## МОДДИЙ МАДАД

Қизилтепа «Парранда» хиссадорлик жаамияти ҳам иқтисодий ислохотларни дадил амалга оширмоқда. Корхона ўтган хўжалик йилини 18 миллион 600 минг сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб гўш тайёрлаш йиллик режасининг 77,7 фоизи миқ-

дорида маҳсулот тайёрлади. Жами паррандалар сони 123 минг бошга етказилиб, тухум ишлаб чиқариш кескин кўпайди. Натижанда ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ўтган йилга нисбатан анча ошди ёки ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 10508 сўмни ташкил этмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошishi тармоқда иш ўринларини кўпайтириш имконини бермоқда. Колбаса, тухум порошиги ишлаб чиқарадиган цехлар ва бошқалар ҳисобига 105 киши янги иш ўринлари очилди. Корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида ишчи-хизматчиларга қарийб 300 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. 143840 сўмлик байрам совғалари тарқатилди. Корхона маъмурияти соғлом авлод йилида болалар жаамгармасига 50 минг, касб-хунар лицейига 80 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди. Худди шундай муруватдан ногиронлар, қурлар жаамиятлари ҳам четда қолмапти. Зулфия БЕКТЕМИРОВА.

## «Ишонч» бонг уради

# ЕРТЎЛАДАГИ «БИЗНЕС»

Кўлбола жувозларда ёл ишлаб чиқариш билан «тadbиркорлик» қилмоқчи бўлганлар республикамизнинг айрим вилоятларида топилди. Ана шундай қонунбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чора-тadbирлари хусусида Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи Ш.Ўроқов билан мулоқотда бўлди.

— Гапнинг лўндасини айтсак, бу борадаги қонунбузарликлар Хатирчи туманида анча кучли бўлган. Хозир ким билан гаплашманг, аксарияти, ёг билан «бизнес» қилсам, дейди. Сабаби аён: ёг аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур маҳсулот. У истеъмолга яроқлими, йўқми — «бизнес»чи учун унинг аҳамияти йўқ. Хатирчилик Аҳмад Эрназаров айнан шу соҳадан мўмай даро-

мад олмоқчи бўлиб, фаолиятини бошлаб юборди. Дастлаб ишлари ёмон бўлмади шекилли, бора-бора эркинроқ ҳаракат қилди. Яхшида, харидорнинг ўзи келиб, минг бир илтимос билан маҳсулотингни нақдига олиб кетса. Мухими, жувозинг гириллаб турса бас, хом ашё топилади. Лекин ҳар бир жойнинг тош-тарозисию қонун-қоида си бор деганларидек, Аҳмаднинг ноқонуний йўллари билан бойиб кетиш орзуси шунчаки ҳаёлот экан. Яқинда солиқ хизмати ва ички ишлар ходимлари билан ўтказилган қўшма тadbирда тумanning Алишер Навоий номили жамоа хўжалигида яшовчи А.Эрназаров ҳам сув хўжалиги корхонасининг ёрдамчи хонасига ўнра-тиб олган жувозини гириллатиб айлантараётганида қўлга тушди. Текшириш жараёнида 36 килограм жувоз ёғи; 650 килограмм чигит, 60 килограмм қунжара ашёвий далил сифатида олинди ва мусодара қилинди. Жувоз ёғи лабораториядан ўтказилганда истеъмолга муволақ яроқсиз эканлиги аён бўлди.

Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва у билан олди-сотди қилишни ўзларига касб қилиб олган бу туманда анча илдиэ отиб улгурган экан. Т.Абдиев номили жамоа хўжалигида жойлашган «Хўжакул Эшон» деҳқон бозорида фуқаро Моҳира Мансурова, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги «Чанғир» бозорида фуқаро Назолат Мухаммадиева, Акмал Икромов номили агрофирма худудидаги «Тасмачи» бозорида Шерзод Қўлдошев, А.Ерлақоев номили жамоа хўжалигидаги «Жалойир» деҳқон бозорида Дилдора Тошевлар ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз ноқонуний йўллари билан ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғини сотаётганларида қўлга олинди. — Масъул идора ва ташкилотлар қонунбузарликнинг олдини олиш мақсадида қандай режалар ишлаб чиқаяпти? — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг соти-лишини бартараф этиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 37 та назорат тартибидеги текшириш ўтказил-

ди. Натижанда 95,1 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сифатсизлиги аниқланиб, сотувдан олиб ташланди. 10 нафар шахсга 28,1 минг сўм жарима солинди ва 14 та текшириш материали судга, биттаси прокуратурага ўтказилди. Хўш, Хатирчида ноқонуний равишда қўлбола жувоз ёғи ишлаб чиқариш ва олди-сотди муносабатлари билан шуғулланувчиларнинг сони нега ошса ошмоқдаки, қандай сабабларга қарамай?

Бу масалани чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бундай сохта тadbиркорликка тумандаги савдо бераётганлиги ойдинлашди. Мана бу далилларга бир эътибор бериш:

Вилоят аҳолисини ўсимлик ёғи билан таъминлашнинг 2 ойлиги ўрганилганда жон бошига ўртача 234 граммдан ёғ тўғри келади. Хатирчи туманида эса бу кўрсаткич бор йўғи 70 граммни ташкил этади. Аслида ана шу муддатда ажратилган 60 тонна ўсимлик ёғидан атиги 20 тоннаси олинган, холос. Вилоят «Матлуботсавдо» хиссадорлик жаамияти етарли миқдорда фонд ажратсаю, лекин савдо қорхоналари эса маблағини рўқач қилиб, бор маҳсулотни олиб кетишмасан, бунга ким сабабчи? Демак, бу ерда сунъий тақчилликнинг вужудга келишига айнан ана шу корхонадагилар сабабчи эканлиги сир эмас. Натижанда бозорчи чаққон маҳсулот билан «бизнес» қилувчилар ўз-ўзини кўпаяверади. Боз устига, туман пахта тозалаш заводидан ноқонуний йўллари билан олиб чиқиб кетиляётган чигит хом ашёси ҳам бундай шахсларнинг ошиғи олчи бўлишига имзат қилаяпти. Демокчи-мизки, ҳар бир соҳани тартибга солиш учун аввало ўша жойда масъул раҳбарлар қонун устуворлигини англашлари, тартиб-интизомни мустаҳкамлашлари зарур. Ана шундангина, қингир ишлар барҳам топади.

М. ҲАЙИТОВА, «Ишонч» мухбири.





**КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВНИНГ ТОРИ, НАЗИРА ЮСУПОВАННИНГ «ФЕРУЗ» И.**

Урганчлик ёшу-қари Комилжон Отаниёзов ҳамда Назира Юсупова истиқомат қилган хонадонларни яхши билишди. Бу табаррук даргоҳларда сизни бажонидил кузатиб ҳам қўйишди. Бу муборак хонадонларда Комилжон аканинг «Сувора» си, Назира опанинг «Феруз»и ҳаммаша янграб туради. Девордаги суратда эса навқирон ёшдаги хофизни, дугоналари билан қақчақлашиб ўтирган хушчаққак қизалоқни кўрасиз. Фотосуратини, мусаввир чизган портретни кўриб, кўзингизни улардан узолмайсиз. Машҳур хонадоннинг қўли теккан, бармоқлари сайратган гўзал бир чолғунчи-садаф терилган торни филофдан олиб чертмоқчи бўлсангиз мезбонлар қаршилик кўрсатмайди. Шунда меҳмонхона яна тор навосига, ноласига тўлади. Дилкашини излаётган чолғуннинг ноки торлари титраб гоҳ мунгли, гоҳ ўйноқи тароналарни таратади. Шунда, тор соҳибига умрбод содиқ бўлиб келган Унсиний ая миннатдорчилик сўзларини айтадилар, умр йўлдошлари уларга бағишлаб ёзган шеърларини ёддан айта берадилар-да «Зиёрат қилиб келибсиз, ташаккур! Вафот этганларига чорак аср бўлганида азим Тошкентдан сураб келганларингиздан бошим осмонга етди. Кўзим ожиз бўлса ҳам қалбим билан ҳис қилаяпман. Савоб ишга қўл урибсизлар, ўтганлар руҳи қўлласин сизларни. Раҳматли жаннати инсон эди, тўйларга файз киритарди. Уйдан олиб кетишарди. Баъзан бир кунда ночор бир киши ёки ўзига тўқ шахс тўй қилиб қоларди. Шунда Комилжон аканинг «Сиз тўқроқ

кўринасиз. Тўйни мөнсиз ҳам ўтказарсиз. Зўр келса бошқа кунга тўйни кўчириш ҳам қўлингиздан келади, чамаси. Анави бечора зўрга пул йиғиб тўй бошлаганида, ҳаракати, харажати бекор кетмасин» - дердилар-да ўшани уйга йўл олардилар. Юртимизда бўладиган тўй Комилжон хофизсиз ўтмасди. Баъзан «роса пул тушса керак-а!» - деган вақтлар кўп бўлган. «Камбағал экан олмамд» ёки «олдим-у, фалончи бечорага олиб бориб бердим.

жоним ижод этиш, деб тушунардилар» дейди-да «Феруз» ашуласининг видеокассетага ёзиб олишни тарихини айта беради. Назира опа оғир бетоб бўлиб қолганларида хонадан элга машҳур ва манзур этган «Феруз»ни ёзиб олмоқчи бўлганлар. Шунда хатто хонада бироз қийналиб, келин, ўғил, набиралар ёрдамида байрам либосини кийиб, қалин кўрпачага ўтириб, ёру-биродарлари даврасида «Феруз»ни айтганлар. Фонограммани

ўтар-ўтмас хонанда қазо қилган эканлар. Халқ артисти даражасига кўтарилган, филармонияда, Огаҳий номидаги Урганч театрида кўпдан-кўп ашулаларни маромига етказиб ижро этган Назира Юсуповага боболари - Феруз ва Огаҳий ўз драматургиясига, чуқур маънога эга бўлган ашулани мерос қолдирганларини қаранг! Бу ҳақда ҳам ўша кунлари ажойиб ҳикоя эшитдик. Шоир, бастакор, шоҳ Феруз дастлаб «Феруз»нинг сўзини ҳам, мусиқасини ҳам ўзи ёзган. Хофизга ўргатган. Сўнгра маърифат ахилларини хузурига чақиртириб ашулани айттирган-да, «кўрик» қатнашчиларидан фикр сўраган. Барча шоҳга илиқ сўзларни айтган. Табриклаган. Улар орасида Огаҳий ҳам бўлган ва «шеър ҳам, мусиқа ҳам ўз ўрнида, гўзал...» деб баҳо берган. Шунда шоҳ эътироз билдирган. «Мусиқаси майли-я, сўзи қайта ёзилиши зарур. Бу ишни сиз бажарсангиз» - деб Огаҳийга мурожаат этган. Шу тариқа Ферузнинг тайёр мусиқасига янгитдан шеър ёзилиб, туширилган. Бу гал Огаҳийнинг қофиялари, лиризм билан сугорилган «сатрлари, бастакор вазифини аъло даражада бажарган. Муҳаммад Раҳимжон Соний-Ферузнинг мусиқасига жуда жуда мос келган. Афсус, ижодкорлар ўз асарларини Назира Юсупова ижросида эшитмаганлар...

**ҚАХРАМОН ИЗЛАБ**  
**Фильмни суратга олишдан олдинги ўйлар**

Қийналиб қолган эди» дердилар. Биз мўтабар хонадондан кетишдан олдин фотиҳа сўраганимизда Унсиний ая «Бир илтимосим бор. Аканинг билан Тошкентда кўп турдик. Филармонияни қайта тиклашда, ривож топишда озми-кўпми хизмат қилдилар. Бирор кўчага Комилжон Отаниёзов номи берилса арзана масмикан!?» - деб тақдир кийитдилар...

қўллаш бу гал ўринли, зарур бўлгани ўз-ўзидан маълум. Оғир касалликка учраган санъаткор ашула айтаётганида бар мисоли ёшариб кетгандек, хасталикдан аломат қолмагандек кўринган дейишарди. Биз ҳам ўша видеотасмани бир неча марта кўриб, тинглаб Назира опанинг овозига тўймадик. Хаста кўзларда маъюсликни ҳам сезгандек бўлдик, опа атрофга нажот излаб қарагандек бўлдилар. Лекин ниҳоятда ёқимли, таъсирчан ижро барчани ҳайратга келтиради. Ўзгача завқ беради. Назира опа сиймоси видеокассетага муҳрланганидан кейин ўн кун

Хотима ўрнида  
**Худойберган Девон**ов ҳақида сценарий ва фильм яратиш истаги бизни гўзал Хоразмга бошлаган эди. Бу азим ўлкада бўлганимизда экранда нафақат кинематографиямизнинг илк арбобининг умрини, балки Феруз, Комилжон Отаниёзов, Назира Юсупова, Шерозий, Султонпошша Раҳимов ва қабил халқ севган сиймоларнинг маънавияти ҳам давом этишига катта зарурият борлигини сездик. Бу ишга қўл уришни ният қилдик. Қаҳрамон излаб кўҳна ва навқирон Хоразмга борган эдик. **Топдик!**

Ҳамидулла АКБАРОВ.

**Халқаро футбол федерацияси терма жамоаларининг иол ойидаги рейтингини эълон қилди. Салкам бир ой мобайнида бутун дунё «чарм тўп» илхосмандларига олам-олам қувонч бағишлаган «Евро-2000» мусобақасидаги**  
**ВАКИЛЛАРИМИЗ 61-ЎРИНДА**

лари натижалари ҳамда 2002 йил Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтдаган Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари рейтингга бир қатор ўзгаришлар киритди. Жумладан, Европа чемпиони — Франция терма жамоаси бир-йўла 70 очкони қўлга киритиб, иккинчи ўринга мустақам жойлашиб олди. Европа биринчилигининг қолган учта ярим финалчиси — Италия, Португалия ва Голландия терма командалари ҳам сезиларли кўтарилишга эришдилар. Италия ва португалияликлар 8 поғона, «учар голландлар» эса 13 поғона юқорилдилар.

Вакилларимиз — Ўзбекистон терма жамоаси ўтган ойда биронта ўртоқлик учрашуви ўтказмагани боис аввалги, 61 ўрнида қолди.



**БЕМОР ДАРДИ — ШИФОКОР ДАРДИ**

Биз, одатда эзгу ниятли инсонларга ҳавас билан боқамиз. Улардай бўлишга интиламиз. Зеро, кимгадир яхшилик қилиш, кимнингдир ташвиши билан яшаш — улуг ишдир.

Шифокор Эшмуҳаммад Маҳсумов ҳам ана шундай ўзгалар қувончи ва ташвиши билан яшаётган инсон. Баҳористонликлар уни ҳурмат билан «Эшмуҳаммаднинг қўли ҳам, сўзи ҳам беморга шифо», деб эъзозлашади.

Тиббиёт фанлари номзоди, жарроҳ Эшмуҳаммад Маҳсумов мана 10 йилдирки Баҳористон тумани марказий шифохонаси жарроҳлик бўлимини бошқариб келмоқда. **Суратда: жарроҳ Эшмуҳаммад Маҳсумов шифокорлар Комил Ортиқов ва Эльмира Жўраева сингари ёшларнинг сеvimли устози.**

Ш.ШАРОПОВ (Ўза) олган сурат.

**Китоб жавонингизга**  
**ҚИСМАТ**

**Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ёш ёзувчи Тўлқин Эшбек қаламига мансуб «Адашган қиз қисмати» китобини чоп этди. Бу асарда истиқлол берган имкониятлар, жамиятимиз таракқиётига тўғаноқ бўлаётган қусурлар, она тилимиз софлиги ҳақида баҳоли қудрат мушоҳада юритилган. Айниқса, миллий мафкурамиз тарғиботчилари — журналистлар фаолияти, уларнинг машаққатли меҳнати, шунинг баробарида газеталарда чиқаётган мақолаларнинг савияси хусусидаги фикрлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.**

рибгарлар макрига тушган қиз эса бу «ўйин»дан чиқиб кетолмайди. Пировардида тутинган «ота»лар ва қиз ҳуқуқ ҳимоячиларининг қўлига тушади. Қиз кешроққа — юртига тезроқ қайтмоқчи ният қилади. Бироқ энди кеч эди...

Ижтимоий ҳаётдаги жараёнда фаоллик кўрсатиш, у ёки бу воқеаларга ўз вақтида муносабат билдириш, мустақилликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшиш фуқаролик бурчимиздир. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида учраши мумкин бўлган баъзи қийинчиликлардан шахсий манфаат йўлида фойдаланаётган нопоқ кимсалар ҳам йўқ эмас. Уларни тийиб қўйиш учун киши юрагида олов, давр шиддатига мос равишда журъат бўлмоғи лозим. Жамиятимизда учрайдиган ана шу ва бошқа муаммолар китоб саҳифаларидан ўрин олган. Хусусан онда-сонда бўлса-да, маиший турмушда учраб турадиган қусурлар илдиэларни қаердан ва нималардан қувват олаётганлигини «Маънавиятимиз кўшанлар» мақоласида аниқ кўрсатиб берилган. Ёки «Адашган қиз қисмати» ҳикоясини олиб кўрайлик. Унда ёзилишича, қишлоқдан Тошкентга ўқишга келган содда қиз ўзи билмаган ҳолда жиноятчиларга қўшилиб қолади. Виждонини унутган кимсалар пул топишининг минг хил йўлини излаб кўришади. Фи-

«Ишонч» газетасида чоп этилган «Исмлар жилоси» мақоласини ўқиган бўлсангиз керак албатта. Унда исмларнинг мантқан тўғри ёзилиши ҳақида фикр билдирилган. Муаллиф ушбу мавзуга қайтиб она тилимиз нуфузини оширишга ундайди. Баъзи сунъий сўз «ясма»лари тилимиз латофатига пугур етказётганлигидан беззаёт бўлади. Жонқуярлик жасоратга ундайди, дейди халқимиз. Жасорат эса эзгу ниятли кишиларгагина хос фазилатдир. **Муродулла ҒАФУРОВ.**

**МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ**

(17 июлдан — 23 июлгача)

**КҮЙ (21 март — 20 апрел)** Ҳафтанинг бошида қариндошларингиз ўзларига эътибор беришингизни талаб этишади. Чоршанба ва пайшанба кунлари ижодий фаолликка эришасиз. Дам олиш кунларингиз мазмунли ўтади. Маросимлар ва тақдирномалар чоғида ўзингизга керакли бўлган кишини учратасиз.

**СИГИР (21 апрел — 21 май)** Душанбадан чоршанбага саломатлигингиз билан боғлиқ муаммоларнинг юзга келиши соғлигингизга таъсир кўрсатади. Иш қозғаларини пайшанба кунини расмийлаштиришингиз маъқул. Шанба кунини қўтлмаган ангилмаган воқиф бўласиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июн)** Ушбу ҳафта ишқий учрашу билан бошланади. Пайшанба-жума кунлари моддий ютуқдан қўнглингиз кўтарилади. Қўтлмаганда маъқеингиз яхшиланади ёки мерос олишга муваффақ бўласиз. Яқшанба кунини оилавий келишмовчилик келиб чиқishi эҳтимолидан холи эмас.

**ҚИСМИЧБАҚА (22 июн — 23 июл)** Мазкур ҳафта давомида гипнозчилар, экстрасенслар ва руҳшўнослар билан мулоқот қилмаганингиз маъқул, бу сезинг кўнглингизни рағижитиши мумкин. Ишбилармонлик соҳасидаги ишларни бошлаб юбориш учун қўлай кун чоршанбадир.

**АРСЛОН (24 июл — 23 август)** Ушбу ҳафта молиявий томондан буржингиз барча белгилари сизга ҳавас қилса арзийди. Хусусан, бу даврда битимлари муваффақиятли имзолайсиз, илгари тузилган лойиҳалар бўйича катта фойда оласиз. Жума кунини алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

**БОШОҚ (24 август — 23 сентябр)** Ҳафтанинг бошида билимларни эгаллаб, ижод билан машғул бўласиз. Хизмат юзасидан маъқеингизнинг ошиши пайшанба кунини ишбилармонлик музокаралари қандай яқунланишига боғлиқ. Шанба кунини яхши харид қиласиз.

**ТАРОЗИ (24 сентябр — 23 октябр)** Чоршанба кунини мулоқотлардан воз кечишни маслаҳат берамиз. Пайшанба кунини ўз сўзамоллигингизни намойиш қилиб, одамларни ҳақлигингизга ишонтиришга муваффақ бўласиз. Дам олиш кунларини севган кишингизга бағишланг.

**ЧАЁН (24 октябр — 22 ноябр)** Ушбу ҳафтада нотаниш одамга тааллуқли бўлган масалани ҳал этишингизга тўғри келади. Ишбилармонлик соҳасидаги муҳим маълумотни пайшанба кунини қўлга киритишга муваффақ бўласиз. Дам олиш кунларингиз ажойиб инсонлар даврасида кўнглили ўтади.


**ЕЙ (23 ноябр — 21 декабр)** Сешанба кунини янги орттирган танишингиз берган маслаҳат сизни ташвишга солаётган муаммони ҳал этиш имконини беради. Моддий ютуққа пайшанба кунини эришасиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабр — 20 январ)** Душанба, сешанба ва жума кунлари баракали меҳнат қиласиз. Бошқа кунлар эса хар қанча уринманг, қўтилган натижани бермайди. Дам олиш кунларини уй юмушларига бағишлашни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг охирига бориб қайфиятингиз тушиб кетади.

**КОВҒА (21 январ — 19 феврал)** Сешанба кунини сафарлар муваффақиятли яқунланади. Пайшанба ва жума кунлари узок жойга бормаганингиз маъқул, чунки жароҳат олишингиз эҳтимолидан холи эмас. Молиявий жиҳатдан чоршанба қўлай кундир.

**БАЛИК (20 феврал — 20 март)** Душанба ва чоршанба кунлари кўп меҳнат қилишдан ўзингизни тийинг. Акс ҳолда саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзга келиши мумкин. Жума кунини сизни ташвишга солаётган юмушни муваффақият билан ниҳоясига етказасиз. Яқшанба кунини эса қарзингизни қайтаришади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси Маҳмуд Мурзаевага волидаи муҳтарамаси **АЗИЗАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



**«МУЛОҚОТ»**  
**РОССИЯГА БОРАДИ**  
Қаршининг «Мулоқот» театр-студияси Пенза шаҳрида бўладиган сайёр театрлар фестивалида иштирок этиш ҳақида тақдир олди. Жамоа фестивалда россиялик томошабинларга «Бахтиёрни уйлантирамиз» спектаклини намойиш этади. Аяни кунларда театр-студия жамоаси ўн кунлик Россия гастроллига қизгин ҳозирлик кўряпти.

**М С О В Ғ А**  
**У Н О С И Б**  
Яқинда Чимбой туманида «Прогресс» чет тилларини ўрганиш бўйича Нукусдаги марказинг филиали очилди. — Филиал «Соғлом авлод йили»да болаларга совғамиз бўлади, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Олланазар Тўребаев. - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёрдами билан сўнги тайёрларлик ишлари олиб борилмоқда. Филиалга бу йил немис тиллари бўйича 150 ўқувчи қабул қилинади. Янги ўқув йилидан бу ерда машғулотлар бошланади.

**«ИКАРУС» ЧЎЛҚУВАРЛАР ИХТИЁРИДА**

«Улуғнор туманидаги Мирзажон Иминов номи ширкатлар уюшмаси меҳнаткашларига яна бир қўлайлик яратилди.

Хўжалик раҳбарлари фойдаланиши кўзда тутилган «ГАЗ-31» енгил автомашинаси ўрнига уюшма аъзолари учун янги «ИКАРУС» автобуси сотиб олинди.

Эндилкида бу автобус хўжалиқда истиқомат қилаётган ва ишлаётган кишилар буюртмаларига асосан тўйлар ва маросимларда хизмат қилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар водийнинг зиёратгоҳларига, дам олиш гўшаларига «ИКАРУС»да бориб келишмоқда.

Бундан ташқари, вилоят марказидаги «Жаҳон бозори» хўжалик аъзоларига бир қадам бўлиб қолди. «ИКАРУС» харид қилингандан бери Марказий Фарғона чўлларининг Сарсонқум маззесида истиқомат қилаётган хўжалик аҳолиси ўзларини шаҳарликлардек ҳис қилишмоқда.

**ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ДАРСЛИКЛАР**

— Янги ўқув йилида 46 та номдаги дарсликлар чиқаришни режалаштирган бўлсак, бугунги кунга келиб биринчи синфлар учун 10 та, иккинчи ва учинчи синфлар учун 6 та номда дарслик тайёрлаб қўйилди, - деди Нукусдаги «Билим» нашриёти бош муҳаррири Рашид Аббазов. - Бундан ташқари, 10 номдаги дарсликлар босмаҳонада, 17 та номдаги дарсликлар муҳаррирларимиз томонидан нашрга тайёрланмоқда.

**Оҳангаронлик Нурилла Ҳамроев хонадонидан уч эгизак туғилди. Унинг умр йўлдоши Муҳаббат Камолова асли Каттакўрғондан. Яқинда қариндошлариникига меҳмонга келган Муҳаббатхон олти, етти ёшли ўғил фарзандларидан кейин турмуш ўртоғига бир йўла уч эгизак ҳада қилди.**

**БИР ЙЎЛА УЧ ЭГИЗАК**

— Ўн йил ичида ҳали бунақа ҳодиса бўлмаган эди, - деди Каттакўрғон шаҳар турғуҳона бош шифокори Лутфулла Умиров «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Эгизакларнинг аҳоли яхши. Доя-гинекологлардан Евгения Трамская, Саодат Қаҳорова, Абдураим Эргашев эгизаклар соғлиғидан мунтазам ҳабар олиб туришибди. Соғлом авлод йилида туғилган Ҳасан, Зуҳра, Тоҳиржонларнинг онаси Муҳаббат Камоловага Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**  
**Таҳрир хайъати:**  
**Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63  
**Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган**

**Манзил:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Нашр кўрсаткичи:** 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**  
**Босишга топириш вақти - 21.00**